

## Шайх Муҳаммад Имдод Ҳусайн Пирзода юртимизга ташриф буюрди



10:05 / 04.10.2019 3530

Шайх Муҳаммад Имдод Ҳусайн Пирзода, 1946 йилда Покистоннинг Жанг шаҳрида туғилган, DMG Bhera ва Панжоб (Покистон) университетларининг битирувчиси. У малакалари адиб, араб олими ва фозили, бакалавр даражаси (инглиз тили), магистратура даражаси (исломшунослик) ва (араб тили) ҳамда орбитал лабораторияларини ўз ичига олади.

У устози ва муршиди бўлган марҳум Зиёул-Уммат ва фазилатли шайх Муҳаммад Ал-Карам Шоҳ Азҳарий роҳимаҳуллоҳдан илҳомланиб, 1985 йилда Жомия Карам номидаги таълим муассасасига ва 1995 йил Карам ўрта махсус мактабига асос солган.

Бугунги кунда Шайх Муҳаммад Имдод Ҳусайн Пирзода дунё бўйлаб муҳтожларга ёрдам берувчи Муслмон хайрия ташкилотининг раиси, Ал-Карам Труст (Лондон) нинг ижрочи директори, Ал-Карам нашрлари асосчиси ва Ал-Карам олимлари уюшмасининг ҳомийсидир. Шунингдек, Британия Муслмонлар Форумининг асосчиси ва аъзоси ҳамда бутунжаҳон Ал-Азҳар битирувчилари Ассоциациясининг Буюк Британиядаги президенти.

Хусусан, турли мавзуларга бағишланган, яъни араб, урду ва инглиз тилларида ёзилган кўплаб китоблар муаллифи ҳисобланади. Ҳозирда унинг кўплаб китоблари индонез ва норвег тилларига таржима қилинмоқда.

Унинг «Исломиё ибодат усули», «Ислом - тўлиқ ҳаёт тарзи», «Исломиё эътиқодлар», «Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг гўзал ҳаёти», «Имдод-ас-Сарф» (Этимология), «Имдод-ан-Наҳв» (Синтаксис), «Имдод ал-Фикҳ фил-ибадат», «Гулдаста ақоид ва кўп маданиятли жамиятда муслмонлар» каби асарлар муаллифидир. Яқинда у Қуръоннинг замонавий ва ғарбда биринчи бўлиб ёзилган «Имдод-ал-Карам» тафсирини ёзиб тугатди. Ҳозирда у «Саҳиҳи Бухорий» ҳадислар тўпламига шарҳ ёзмоқда. Унинг асарларининг тўлиқ рўйхати билан [www.alkarampublications.com](http://www.alkarampublications.com) сайтида танишишингиз мумкин.

### **Унинг сўнгги нашрлари:**

Муслмонларнинг беҳавотирлиги» фильмининг ҳақиқати ва XXI асрнинг муаммолари;

Мулоҳазалар, бугунги саволларга жавоб излаш;

Қуръон ва суннат асосида инсон ҳуқуқлари;

Идеал она;

Қуръон, суннат ва урф-одатлар.

Шайх мунтазам равишда газета ва журналларда миллий ва халқаро миқёсда муслмонларга тааллуқли долзарб мавзуларга бағишланган мақолалар ёзиб туради.

Шайх Муҳаммад Имдод Ҳусайн Пирзода муршиди Зиёул-Уммат, фазилатли шайх Муҳаммад Карам Шоҳ ал-Азҳарий роҳимаҳуллоҳдан «Чишти Низоми» «Қодирий» тариқатларидан ижоза олган. Бундан ташқари, унга

сўфийларнинг барча тариқатлари тилга олинган, Имом ал-Жазулий роҳимаҳуллоҳнинг машҳур «Далоил ал-Хайрот» китобидан ҳам ижозаси берилган.

Ал-Азҳар университети доктор Аҳмад Умар Ҳошим унга ҳадис ривоятлари санадини берди. Шайх Муҳаммад Имдод Ҳусайн Пирзода тақводор ва маънавиятли оилада вояга етган. Унинг отаси шайх Гул Муҳаммад ал-Қодирий ҳамда акаси шайх Муҳаммад Карам Ҳусайн ал-Қодирийлар ҳам «Қодирий» тариқатининг улуф шайхларидан ҳисобланади.

Шайх Муҳаммад Имдод Ҳусайн Пирзода мусулмонларга мактаблар шаклидаги таълим муассасаларини барпо этиш ва ўзларининг бир неча адабий асарларини тарқатиш йўлида ҳам хизмат қилди.

Жумладан, дунё бўйлаб камбағал ва муҳтожларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиб, олий ҳиммат иш олиб борди. Муҳтожларга ёрдам бериш иштиёқи уни дунё бўйлаб одамларнинг азоб-уқубатини енгиллаштириш учун етакчи халқаро ёрдам муассасаси Мусулмон Хайрия Ташкилотини барпо этишга ундади. Унинг қатъияти уни қурбон ҳайити кунларини табиий офатдан жабрланганларга ёрдам бериб ва уларни таъминлаб, тунларни бошқа нарсалар каби вайрон бўлган масжидларда ўтказган Осиё сунамисидан кейин индонезиянинг Banda Aseh шаҳрига боришга ундади. Покистон ва Озод Кашмирда туғруқхоналар ва тиббиёт марказларини муваффақиятли ташкил этди. Жанг шаҳрида биринчи туғруқхона 2005 йилда ташкил этилиб, қисқа вақт мобайнида катта обрў эътибор қозонди ва хизмат марказига айланди. Ушбу шифохонанинг муваффақияти уни иккинчи йирик лойиҳа - Файсалободдаги туғруқхонанинг фаолиятини юритишига олиб келди. Бу туғруқхона 2007 йилда қуриб битказилиб, ўз эшикларини кенг жамоатчиликка очди. Ушбу шифохоналарнинг ютуқларидан келиб чиқиб, шайх Муҳаммад Имдод Ҳусайн Пирзода 2008 йилда Покистоннинг Мангани шаҳрида «Раҳмат Хатун» номидаги мусулмон хайрия касалхонасини, 2009 йил Кашмирнинг Равалакот шаҳрида «Озод Кашмир» касалхонаси ва 2010 йилда Покистоннинг Лаҳор шаҳрида «Абдул Латиф Тоҳир» туғруқхоналарини очди.

2005 йилдаги фожиали Осиё зилзиласи фалокатида у шайх Муҳаммад Аминнинг кўмаги билан Кашмирга саёҳат қилди ва у ерда уйсизлар учун 115 дан ортиқ пўлатдан ясалган янги уйлар қурдирди. Янги уйларнинг 60 таси битта қишлоқда қурилган бўлиб, расман «Ал-Карам Виллаже» деб номланган ва Кашмирнинг собиқ президенти Сардор Абдул Қаюм

томонидан очилган.

Шайх инсониятга хизмат қилишнинг барча соҳаларида муваффақиятга эришганига қарамай, унинг асосий мақсади ва эътибори мусулмон ёшларига таълим бериш ва ислом уламоларини етиштиришни вазифа қилган «Жамия ал-Карам» ўрта махсус мактабига қаратилган. Ҳозирда унинг юздан ортиқ шогирдлари «Жамия ал-Карам»ни тамомлаб, мамлакат бўйлаб мусулмонларга хизмат қилмоқдалар. «Ал-Карам» ўрта махсус мактаби GCSE (умумий ўрта таълим тўғрисидаги гувоҳнома) имтиҳонларининг энг яхши натижаларини намойиш этади ва кўплаб йўналишларда Буюк Британиянинг Nottinghamshire графлигида биринчи ўринни эгаллади.

2012 йил ноябрь ойида шайх Муҳаммад Имдод Ҳусайн Пирзода дунёдаги энг нуфузли 500 та мусулмондан бири деб тан олинган. Унинг номи Амманда жойлашган Қироллик Исломиё Стратегик тадқиқотлар маркази томонидан нашр этилган «Мусулмон 500» да эълон қилинган.

Шайх Муҳаммад Имдод Ҳусайн Пирзода камтар ва оддий инсон. Аллоҳ таоло унга кўп заковат ва илм берган. У кўпчилик учун илҳом ва ҳидоятдир. Аллоҳ таоло унга узоқ ва соғлом умр берсин ва Исломнинг асл рисоласини тарғиб қилиш учун кўпроқ куч берсин. Омин.

*Шайх Муҳаммад Имдод Ҳусайн Пирзода ҳозир юртимизда меҳмон бўлиб турибдилар. Ташрифга доир маълумотлар интернет ижтимоий тармоқларидаги расмий саҳифаларимизда ёритиб борилади. Бизни кузатиб боринг.*

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



***Islom.uz*** портали таҳририяти